

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМий-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ФАЙЗИЕВА МАҲБУБАХОН РАХИМЖОНОВНА**

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА МОСЛАШУВЧИ  
WEB ТИЗИМЛАРНИ ЯРАТИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2017**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Файзиёва Махбубахон Рахимжонова**

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш.....3

**Файзиёва Махбубахон Рахимжановна**

Создание адаптируемых к учебному процессу Web систем.....27

**Fayziyeva Mahbubaxon Rakhimjanovna**

Creating adaptive Web systems for educational process.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of publications.....72**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ФАЙЗИЕВА МАҲБУБАХОН РАХИМЖАНОВНА**

**ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА МОСЛАШУВЧИ  
WEB ТИЗИМЛАРНИ ЯРАТИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Ped99 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) веб-саҳифаси ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Арипов Мерсаид</b> физика-математика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тайлақов Норбек Исакулович</b> педагогика фанлари доктори, профессор <b>Эргашов Мухаммадрасул</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>Гулистон давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳалқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача: янги таълим концепциясида “Таълим — тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият” сифатида эътироф этилиб<sup>1</sup>, сифатли таълим бериш, таълим олишни яхшилаш ва ўзлаштириш натижаларини баҳолаш усулларини такомиллаштиришда виртуал таълим технологиялари, очик таълим ресурслари, оммавий онлайн очик курслар, мобил таълим технологиялари, таълимни бошқариш тизимлари ҳамда электрон таълим ва унинг классик моделларидан самарали фойдаланилмоқда. АҚШ нинг Гарвард университети ҳамда Массачусетс технология институти ҳамкорлигида интернет орқали интерфаол таълим олиш имкониятини берувчи онлайн очик курслар яратилди. Германияда эса инсон интеллектини аниқлаш орқали мос курсларни тақдим этувчи ўқитишга мослашувчи тизимлар ишлаб чиқилди. Бу каби электрон таълим тизимлари тажрибали, малакали ва замонавий мутахассислар тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, ахборот технологияларни жорий этиш ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида масофадан ўқитиш ва компьютерлаштирилган анжуманлар ўтказиш, масофали таълим тизимларини яратиш ва уларни ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ўқув жараёнида Web технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш зарурияти юзага келди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “олий таълим муассасаларида ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашни янги усул ва воситалар ёрдамида ташкил этиш” вазибалари белгиланган бўлиб, бу борада ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш ва методик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлар мослашиш моделларини ишлаб чиқиш, маълум бир фанни ўқитишга мослашувчи тизимлар ва мослашувчи роботларни яратиш билан изоҳланади. Шу билан бирга интеграцияланган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган Web тизим педагогик лойиҳаси ҳамда бугунги глобаллашув жараёнида ахборот алмашишнинг Web технологияларга асосланган, динамик саҳифалар асосида қурилган Web тизим дастурий таъминотини ишлаб чиқиш аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш методологиясини ҳамда талабанинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциалланган медиатаълимни амалга оширувчи Web тизим таркиби ва мазмунини ишлаб чиқиш заруратини асослайди.

---

<sup>1</sup> Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –p.6-7. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги “Ахборот коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1942-сонли, 2013 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1989-сонли қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «IV. Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарлари, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси мазкур тадқиқот учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Таълимда ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари, электрон таълимни ривожлантириш, электрон ахборот-таълим ресурслари ва дастурий қобикларни яратиш ва қўллаш имкониятларига мамлакатимиз олимлари А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, А.И.Аширова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Р.Боқиев, Ф.М.Закирова, М.Ҳ.Лутфиллаев, М.Э.Мамаражабов, Н.А.Муслимов, Л.М.Набиулина, Н.И.Тайлақов, С.Қ.Турсунов, Ш.С.Шарипов, М.Эргашов, У.Ю.Юлдашев, С.С.Ғуломов, А.Ғ.Ҳайитов кабиларнинг илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган ҳамда ўқитувчиларни касбий тайёрлашда компьютерлардан фойдаланишни ташкил этишнинг восита ва усуллари, таълимни ахборотлаштириш, ягона ахборот маконини яратиш, ресурс ва гибрид, эксперт-ўқитиш тизимлари, интеллектуал тизимларни ишлаб чиқиш, таълим тизимида масофали таълимни қўллаш тушунчаси ва муаммолари илмий асосланган.

МДҲ олимлари Ю.Д.Бабаева, А.И.Башмаков, И.А.Башмаков, Д.А.Бояринов, А.Е.Войскунско, В.В.Гура, Х.Ф.Данг, А.А.Журкин, Л.В.Зайцева, Л.Х.Зайнутдинова, А.М.Зимин, Н.П.Капустина, В.Н.Касьянов, Е.В.Касьянова, Ю.А.Крапивко, В.В.Любченко, И.П.Норенков, А.В.Нестеренко, М.М.Ниматулаев, М.Л.Романова, А.В.Топчиев, А.Р.Ушаков, О.А.Шабалина, М.А.Шана, В.А.Чулюков ва бошқаларнинг тадқиқотларида касбий фаолиятда Web технологиялардан фойдаланиш, олий мактабда ўқитувчи компетентлигини оширишда Web технологияларнинг мазмун-моҳияти, талабаларнинг ижодий тафаккури ва медиакомпетентлигини ривожлантириш, дастурчиларнинг интеллектуал хусусиятларини аниқлаш,

электрон таълимни ривожлантириш, электрон ахборот-таълим ресурслари ва дастурий қобикларни яратиш ҳамда қўллаш имкониятлари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлар А.Alvarez, Е.Andrès, P.D.Bra, P.Brusilovsky, E.A.Edmonds, J.Eklund, J.J.Engler, L.Faria, I.Fernandez-Castro, N.Henze, J.Kay, A.Lippman, K.Maycock, G.Magoulas, E.Melis, A.Mitrovic, M.Montero, K.Nakabayashi, T.Nelson, Y.Okazaki, A.Papadimitriou, M.C.Polson, E.Propescu, J.Prentzas, E.Schwarz, M.Sigala, L.Thomson, G.Weber, L.Welling, H.Wu кабиларнинг тадқиқотларида комплекс мослашув тизимида инновация, мослаштириш орқали индивидуал фарқларни жойлаштириш, таълим тизимини лойиҳалаштириш учун янги асосий профил хусусиятлари, мослашувчи технологиялар таҳлил этилган, уларнинг мазмун-моҳияти ва имкониятлари очиқ берилган ҳамда мослашувчи таълим тизимлари(WELSA, ALEF, MATHEMA ва б.) яратилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-методик марказнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-116 рақамли “Таълимда ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагоглари креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш”(2015-2017 йй.), ЁА-5-5 рақамли “Ўқув жараёнига мосланувчи WEB тизимини яратиш”(2016-2017 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқот лойиҳалари ҳамда WP3 of Erasmus+ project CBHE IMEP: “Internalisation and Modernisation of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan” доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш ва Web дастурлаш фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Web сервер, Web технология, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, мижоз-сервер архитектураси, хорижий илмий адабиётлар таҳлили асосида “Web дастурлаш” фани мазмунини такомиллаштириш;

ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш методологиясини ҳамда талабанинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциалланган медиатаълимни амалга оширувчи педагогик лойиҳаси ва мослашиш моделини ишлаб чиқиш;

Web технологияларга асосланган, динамик саҳифалар асосида қурилган, мобилликни таъминловчи ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим таркиби ва мазмунини ишлаб чиқиш ҳамда дастурий таъминотини яратиш;

“Web дастурлаш” фанининг такомиллашган мазмуни асосида турли даражадаги электрон ахборот-таълим ресурсларини (маъруза, амалий ва лаборатория машғулоти бўйича материаллар, тест саволлари базасини) ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимга жойлаштириш;

ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан фойдаланиб, “Web дастурлаш” фанини ўқитишнинг методик асосларини “Blended learning” технологиялари ёрдамида такомиллаштириш ва тажриба-синов ишларини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълим муассасаларида бакалавриятнинг Информатика ва ахборот технологиялари ҳамда Компьютер графикаси ва дизайн таълим йўналишларида “Web дастурлаш” фанини ўқитиш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** “Web дастурлаш” фанини ўқитишнинг такомиллашган мазмуни, замонавий усул ва воситалари ҳамда Web тизимни яратиш технологияси.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда муаммога доир сиёсий, соҳага доир илмий, илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; ДТС, ўқув дастури, дарслик ва ОТМ ҳужжатларини ўрганиш; социологик-педагогик (кузатиш, суҳбат, сўровнома); педагогик тажриба-синов; мониторинг; натижаларни математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Web сервер, Web технология, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, мижоз-сервер архитектураси, Web тизимни яратиш технологияси асосида “Web дастурлаш” фани тузилмаси ва мазмуни такомиллаштирилган;

талаба билимига асосланиб даражаланган медиатаълимни амалга оширувчи, интеграцияланган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган Web тизимнинг педагогик лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Web технологияларга асосланган, динамик саҳифаларга қурилган, масофадан туриб компьютер ёки мобиль технологиялари ёрдамида таълим олиш имконини берувчи ҳамда ўқув жараёни субъектлари фаолияти интеграциясини таъминловчи ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим таркиби, мазмуни ва дастурий таъминоти (платформаси) ишлаб чиқилган;

“Web дастурлаш” фанини ўқитиш методикаси ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим ҳамда “Blended learning” технологияси асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим учун “Web дастурлаш” фанининг такомиллашган мазмуни асосида ўзбек тилидаги ахборот-таълим ресурслари ишлаб чиқилган;

талабанинг билим даражасига мослашувчи ва масофадан туриб компьютер ёки мобиль технологиялари ёрдамида таълим олиш имконини берувчи ўқитишнинг дастурий тизими яратилган;

оралиқ ва якуний назоратларни ўтказиш тартиби тест сифатида белгиланган фанлардан талабалар билим даражасини аниқлаш ҳамда автоматик равишда электрон журналга қайд этиб бориш учун хизмат қилувчи масофали тест синовлари платформаси амалиётга жорий этилган;

ўқув жараёни мониторингини юритиш, талабаларнинг давомати, баҳолаш натижаларини қайд этиш, тегишли ҳисоботларни тайёрлаш, якуний хулосаларни умумлаштириш имконини берувчи электрон журнал тизими яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги



ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Натижалар математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи «SPSS» дастури воситасида қайта ишланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган “Web дастурлаш” фанининг такомиллаштирилган мазмунидан “Web дастурлаш” фани ўқув ва ишчи дастурларини тайёрлашда; ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, дизайн, техник, фойдаланувчи талаблари, Web тизим режа-лойиҳаси таркиби ва яратиш босқичлари, Web тизим педагогик лойиҳаси ва мослашиш моделидан Web технологияларга асосланган ўқитиш тизимларини яратишда ҳамда мустақил фаолият кўрсатадиган, ўз касбий фаолиятига ижодий ёндашадиган мутахассис кадрлар тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ишлар бўйича фаолиятининг мониторингини олиб бориш ва ҳисоботлар тайёрлаш; ўқув режа, ишчи дастур, фан материаллари ва назорат тестлари базасини яратиш; талабалар билимига мос таълим бериш; талабаларнинг давомати, жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш натижаларини киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда тегишли ҳисоботларни тайёрлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш юзасидан ишлаб чиқилган назарий-методологик таклифлар ва яратилган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим асосида:

“Web дастурлаш” фанидан ўзбек тилидаги ахборот-таълим ресурслари, ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш технологиясига оид таклифлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 13 мартдаги 82-сонли буйруғи билан жорий этилган “Web технологиялари” номли ўқув қўлланма мазмунида ўз аксини топган (№ 82-057). Мазкур ўқув қўлланма “Web дастурлаш”, “Web дизайн” фанларини ўқитишда асосий адабиёт сифатида олий таълим тизимида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, миллий ахборот тизимларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

медиа ресурсларни яратиш ва ўқитиш тизимларидан фойдаланиш, масофадан туриб мустақил таълим олиш имконини берувчи ва ўқув жараёни иштирокчилари фаолиятини интеграцияси ҳамда мобилликни таъминловчи ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан фойдаланиш, мустақил таълимни ташкил этиш бўйича таклифларидан ЮНЕСКОнинг “Supporting Competency-Based Teacher Training Reforms to Facilitate ICT-Pedagogy Integration” минтақавий лойиҳасида олий таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан

берилган 2016 йил 19 декабрдаги UNESCO/TAS/EDU/16/425 рақамли маълумотномаси). Мазкур таклифлар педагог кадрларнинг электрон таълим тизимлари, таълимни бошқарув тизимлари билан ишлаш ва уларнинг элементларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилган;

талабаларнинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда даражаланган медиатаълимни амалга оширувчи, интеграцияланган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга йўналтирилган педагогик лойиҳа ва мослашиш моделига оид таклифлари асосида педагог ва талаба фаолияти интеграциясини таъминловчи ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим амалиётга жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 4 январдаги 89-03-22-сон маълумотномаси). Натижада ўқув жараёнининг мониторингини олиб бориш автоматлаштирилган ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг ягона ёндашув асосида ташкил этиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та хориж ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 12 та мақола, жумладан, 9 таси ОАК томонидан тавсия этилган республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертацияни “**Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш зарурияти ва назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш зарурияти, мазкур муаммонинг мамлакатимизда ва хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик нуқтаи-назардан таҳлил этилган ҳамда тизимни яратиш методологияси, жумладан тизимни яратишда қўлланиладиган Web технологиялар, динамик ва статик тизимлар, тизим талаблари, режа-лойиҳаси ва яратиш босқичлари ёритилган.

Тадқиқот давомида Web дастурлаш фанини ўқитиш мазмуни таҳлил этилди ва хориж адабиётлари ўрганилди. Web дастурлаш фанини ўзлаштириш натижасида талабалар: Интернет асослари; ҳозирда кенг тарқалган ва

оммалашган Web тизимларни таҳлил қилиш, улардан фойдалана олиш; Web тизимларни яратишда дастурлаш тилини тўғри танлай билиш; дастурлаш тилларидан самарали фойдаланиш малакаларига эга бўлиши; Web тизимларни лойиҳалаштиришнинг замонавий усуллари ва воситалари; Web тизимларни яратиш технологиялари ва тизимлари; маълумотлар базасидаги маълумотларни ҳимоялаш усуллари; Web технологиялари ва маълумотлар базасини бошқариш тизимлари интеграциясини билишлари зарур.

Тадқиқот натижалари асосида Web дастурлаш фани мазмунини замон талаблари асосида такомиллаштириш, малакали ва тажрибали Web дастурчиларни тайёрлаш ҳамда ўқитиш тизимларининг дидактик талабларга жавоб берувчи Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш бўйича илмий ишларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди.

Изланишлар натижасига асосланиб, “Web дастурлаш” фанининг такомиллашган мазмуни ишлаб чиқилди, фаннинг ишчи дастурига киритилди ва ўқитиш жараёнида амалиётга татбиқ этилди.

Web тизимлар-ахборот маҳсулоти бўлиб, маълум ғоя асосида бир-бири билан боғланган гипермуружаатли саҳифалар (Web-саҳифалар) тўпламидир. У ўзининг шахсий манзилига эга бўлиб, шу ном билан Web-серверга жойлаштирилади. Улар Web-сайт, портал, масофали таълим тизимлари, медиатаълим тизимлари, мослашувчи тизимлар, автоматлаштирилган интеллектуал тизимлар ва ҳ. лар бўлиши мумкин. Web тизимларнинг вазифаси турли ахборот маҳсулотларини узлуксиз равишда тақдим этиш ва бутун аудиторияга on-line режимда хизмат кўрсатишдан иборат.

Тармоқ технологияларининг ривожланиши ва сунъий интеллект соҳаларини юқори чўққиларга эришиши ўқув жараёнини таълим олувчига мослашишини таъминловчи тизимларни яратишга имкон берди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, келажакда яратиладиган ўқитиш тизимларининг аксарияти тармоқ технологиялари ва телекоммуникация воситаларига боғлиқ бўлади ҳамда ўзида мослашув компоненталарини сақлайди.

Тадқиқот жараёнида таълимни бошқарув тизимлари, мослашувчи тизимлар ва мослашувчи гипермедиа тизимлари устида олиб борилган тадқиқотлар ва мослашиш шакллари таҳлил этилди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, бугунги кунгача яратилган мослашувчи тизимларнинг аксарияти, жумладан WELSA (2008), MATHEMA(2010), KNEWTON(2013) б. лар талабага мослашиб ўқув материалларини тақдим этади. Бизнинг тадқиқот ишимиз эса бугунги кунда республикамизда ўқув жараёнида қўлланилаётган, педагог томонидан шакллантирилладиган меъёрий хужжатлар(шахсий иш режа, ишчи дастур, журнал) билан талабаларнинг таълим олиш фаолиятини интеграциясини амалга оширувчи ҳамда талаба ва педагогга ўз фаолиятини бошқариш имконини берувчи дастурий тизимни жорий этишга қаратилган.


Юқоридагиларга асосланиб, Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим-“таълим жараёнига мос тузилмага” эга тизим бўлиб, таълим олишнинг ҳаракат траекториясини белгилайди, талабанинг билимига мос мураккабликдаги материални тақдим этади, ўқув жараёнини тезлаштиради ҳамда педагог

фаолияти билан ахборот-таълим муҳитининг интеграциясини амалга оширади, деган тавсифни беришимиз мумкин.

Шунингдек, тадқиқот давомида Web тизимларни яратишда қўлланиладиган Web технологиялар ва уларнинг имкониятлари илмий таҳлил этилди ҳамда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратишда Apache Web сервери, PHP, Ajax, JQuery Web дастурлаш тиллари, MySQL маълумотлар базасини бошқариш тизимларидан фойдаланиш юқори самара бериши асослаб берилди. Мазкур Web технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни статик тизим сифатида эмас, балки динамик тизим сифатида яратишнинг афзаллиги ва динамик тизимдаги мижоз-сервер алоқаси ёритилди.

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни тармоқ трафиғи юқори бўлганда юқори тезликда ишлаши, тизимни юқори трафикка мослашишини таъминлашга қаратилган Web тизимни ишлаш механизми ёритилди. Тадқиқот жараёнида ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш учун педагог-психолог, Web-дизайнер, Web-саҳифаловчи, Web-дастурчи каби мутахассислар жамоаси ва уларнинг вазифалари белгиланди.

Web тизимларни турли фойдаланувчиларга мослаштириш ва оммалаштириш учун *педагогик-психологик, дидактик, дизайн, техник, фойдаланувчи* талаблари ҳамда тизим режа-лойиҳаси таркиби ишлаб чиқилди (1-расм). Мазкур режа-лойиҳа асосида Web тизимни яратиш босқичлари ишлаб чиқилди ва Web дастурлаш фанини ўқитиш жараёнида амалиётга татбиқ этилди.



**1-расм. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш режа-лойиҳаси таркиби**

Диссертацияни “**Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни педагогик лойиҳалаш ва дастурий таъминоти**” деб номланган иккинчи бобида мослашувчи тизимларнинг мослашувчанлик даражалари ва шакллари


аниқланди, таҳлил этилди ҳамда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимнинг педагогик лойиҳаси, таркиби, мазмуни ҳамда дастурий таъминоти яратилди.

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни *педагогик лойиҳалашнинг мақсади*, талаба қобилиятига мос медиаматериалларга эга бўлган электрон таълим ресурслари муҳити ҳамда ушбу муҳитда ишлаш жараёнида ўқиш мотивацияси ва ўзлаштиришини аниқланиши ҳисобига таълим сифатини ошириш ва талабани билимини ривожлантирувчи шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим педагогик лойиҳасини ишлаб чиқиш педагог билан талабанинг бевосита алоқаси ҳамда педагог томонидан яратилган ахборот-таълим муҳити таркиби билан талабанинг билвосита алоқасини амалга оширади.

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни педагогик лойиҳалаш мақсадининг марказида қуйидагилар туради: талабанинг таълим олиш фаолиятидаги ахборот-таълим эҳтиёжларини тўлиқ даражада қаноатлантириш; талабаларни ахборот-таълим муҳитининг турли компонентлари билан ўзаро алоқасини қулайлаштириш; талаба эҳтиёжларини қондириш ва ўқув мақсадига эришиш усуллариини индивидуаллаштириш; маълумотларни талабага қулай кўринишда тасвирлаш; талабаларнинг ўқув ҳаракатларини педагогик-психологик назардан қаралиши; таълим билиш фаолиятларини индивидуал услубларининг ҳисобга олиниши; тизимда мулоқотнинг турли формаларини ташкил этилиши; фойдаланувчи интерфейсининг максимал қулайлиги ва бошқалар.

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни лойиҳалашнинг дидактик мақсади ва тизим ресурслари тузилишининг кўп даражалилига ҳамда таълим олиш моделига асосланиб, тизим таълим олиш муҳити педагогик лойиҳаси тавсия этилган. Фойдаланувчиларнинг тизимда эркин ҳаракатланиши учун тизимни фойдаланувчига мослашиш модели талаб қилинади. Тадқиқот давомида мослашишнинг турли классификациялари таҳлил этилди ва мослашиш модели омиллари аниқланди. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимнинг белгиланган омилларга асосланган мослашиш модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2 -расм. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим мослашиш модели

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимнинг асосий мақсади – олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган етакчи профессор-ўқитувчиларнинг

касбий салоҳиятларига таянган ҳолда таълим сифатини ошириш, талабаларнинг узлуксиз таълим олиш имкониятини яратиш, талабаларнинг интеллектуал салоҳияти, қобилияти ва мотивациясидан келиб чиқиб, таълим олишнинг ҳаракат траекториясини аниқлаш ёрдамида ўқитиш, таълимнинг турли шаклларини ўзаро бир-бирига яқинлаштириш ва педагог фаолияти билан ахборот-таълим муҳитини интеграциясини таъминлаш ҳамда таълим жараёнини индивидуаллаштириш тамойиллари асосида ташкил этишдан иборат.



3-расм. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим таркиби

Ўқитувчи фаолияти ва ахборот-таълим муҳитининг интеграциясини таъминловчи, тизим саҳифаларини ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи, таркибида администратор, ўқув бошқарма мутахассиси, факультет раҳбарияти, кафедра мудир, профессор-ўқитувчи ва талаба интерфейси функцияларини қамраб олган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимнинг таркиби, мазмуни ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилди (3-расм).

Диссертацияни **“Таълимда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан фойдаланиш методикаси”** деб номланган учинчи бобда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимга таълим ресурсларини киритиш, педагог ва талабанинг ушбу тизимдан фойдаланиш методикаси ҳамда машғулотларни ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш ёритилган.

Тадқиқот давомида яратилган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим: ОТМ структураси моделини яратиш ва унга хизмат қилиш; тизим фойдаланувчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни тизимда ҳаракатланиш механизминини қўллаб қувватлаш; ўқув режани шакллантириш; шахсий иш режани шакллантириш; ишчи дастурни шакллантириш; фан материаллари(маъруза машғулоти, амалий ва лаборатория топшириқлари)ни шакллантириш; назорат тестлари ва саволларини шакллантириш; таълим олиш моделини яратиш учун бошланғич тестни ўтказиш ва шу асосда уни таълим олишнинг ҳаракат траекториясини яратиш; талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичларини жорий тестлар ёрдамида доимий аниқлаб бориш; турли статистик таҳлилларни олиш каби имкониятлар яратади.

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларнинг яратилиши уни такомиллаштиришда иштирок этган ўқитувчиларнинг методологик, методик ва ахборот-техник тайёргарлигини умумий даражасини, педагогик фаоллигини ошириш ва шахсий имкониятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Тизимда ўқитишни ташкил этиш учун Web дастурлаш фанининг ишчи дастури ва барча машғулот шакллари (назарий, амалий ва лаборатория) материаллари киритилган. Буни эса давлат тилидаги ўқитиш тизимини яратишдаги дастлабки қадамлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу соҳадаги ишлар ҳозирги пайтда долзарб бўлиб турган онлайн таълимнинг ўқув-методик таъминотига замин яратади.

Тадқиқот жараёнида ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан фойдаланиб маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш учун Аралаш таълим(Blended learning) технологиясининг “Flipped learning” модели ва “Online Lab” модели танлаб олинди ҳамда маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориш методикаси ишлаб чиқилди.


Тизимга кирган ҳар бир талабага ўқув фани танлангандан сўнг, ушбу фан бўйича унинг таълим олиш траекториясини белгилаш ёки таълим олиш моделини яратиш учун кириш тести берилади. Кириш тести сифатида талабанинг бошланғич тайёргарлик даражасини аниқлаш учун фан бўйича умумий тест берилади.

Тизимда берилган кириш тести топширилгандан сўнг талаба учун таълим олиш траекторияси белгиланади ва ахборот-таълим муҳитида таълим

олиш учун рухсат берилади.

Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш учун қуйидаги назорат турлари қўлланди: дастлабки назорат, жорий назорат, якуний назорат.

Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимда Web дастурлаш фанини ўқитиш учун назорат методлари барчаси қўлланилди, натижалар электрон журналда қайд этилди (4-расм) ва тизим томонидан рейтинг қайдномаси шакллантирилди.



4-расм. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим электрон журнали

Диссертациянинг “Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим ёрдамида “Web дастурлаш” фанини ўқитиш самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобда тажриба-синов ишлари натижалари қайд этилган.

Олий таълим муассасаларида “Web дастурлаш” фанини ўқитишда таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари 2010-2017 ўқув йиллари мобайнида Тошкент давлат педагогика университети(ТДПУ) компьютер графикаси ва дизайн, информатика ва ахборот технологиялари, Ўзбекистон Миллий университети информатика ва ахборот технологиялари, Андижон давлат университети информатика ва ахборот технологиялари таълим йўналишининг 250 нафар талабаси иштирокида амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди.

**Биринчи босқич – ўрганувчи босқич (2010–2012 ўқув йили).** Тадқиқот муаммосининг илмий-назарий, илмий–услубий асослари ўрганилди; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди; тадқиқот объекти ва унинг кўрсаткичлари ҳамда унга мос мезонлар назарий манбалардан таҳлил қилиниб ўрганилди; Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш зарурияти илмий-назарий жиҳатдан аниқланди, ишчи фаразлар шакллантирилди. Танлаб олинган олий таълим муассасаларида “Web дастурлаш” фанини ишчи дастурлари таҳлил қилинди ва такомиллашган мазмуни ишлаб чиқилди. Web



дастурчиларни тайёрлаш самарадорлигини оширувчи ўқув материаллари, амалий ва лаборатория машғулотларини бажариш бўйича кўрсатма ва топшириқлар, самарадорликни белгиловчи тест топшириқлари ишлаб чиқилди.

**Иккинчи босқич – амалга ошириш босқичи (2013–2015 ўқув йили).** Тадқиқотнинг ишчи фарази, мақсад ва вазифалари амалга оширилди. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни яратиш режа-лойиҳаси ва босқичлари ишлаб чиқилди. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимнинг мослашиш модели ва дастурий таъминоти яратилди ҳамда ўқув материаллари жойлаштирилди. “Web дастурлаш” фанини ўқитишда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, ишлаб чиқилган тамойилларнинг татбиқини методик асослаш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди.

**Учинчи босқич – шакллантирувчи тажриба босқичи (2015 –2017 ўқув йили).** Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимни имконияти тингловчилар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали баҳоланди. “Web дастурлаш” фанини ўқитишда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим ва у ёрдамида дарс самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган методикани синовдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида “Web дастурлаш” фанини ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим асосида ўқитиш бўйича натижалар умумлаштирилди, хулосалар амалий жиҳатдан текшириб кўрилди, олинган натижалар математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилинди.


Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим ёрдамида ташкил этилган “Web дастурлаш” фани машғулотлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларида қандай акс этганини аниқлаш мақсадида талабалар ўртасида тажриба-синов ўтказилди.

Тажриба-синовни ўтказиш жараёнида “Web дастурлаш” фанидан яратилган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан фойдаланишда бир неча усуллар қўлланилди: ўқув жараёнида талабалар фаоллигини ошириш, янги мавзуларни мустақил ўзлаштириш ва мустақил ижодий изланиш билимларини мустаҳкамлаш, ўз устида ишлаш.

Асосий тажриба тадқиқотчи иштирокида ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим да “Web дастурлаш” фанини ўқитиш асосида олиб борилди. Бундан мақсад изланиш бўйича тажриба-синов натижаларини ўрганиш ва уларни амалий жиҳатдан тасдиқлаш эди.

Тажриба-синов гуруҳларида машғулотлар ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим ёрдамида, назорат гуруҳларида эса анъанавий методика билан олиб борилди. Тажриба ва назорат гуруҳида ўтказилган натижалар 100 баллик рейтинг тизимида баҳоланди.

Олиб борилган тажриба-синов натижалари қуйидаги диаграммада келтирилган(5-расм).



**5-расм. Тажриба-синов натижалари**

Математик статистика формулаларидан фойдаланиш мақсадида биз тажриба гуруҳларидаги ўзлаштириш катталикларини  $x_i$ , мос талабалар сонини  $n_i$  ва статистик эҳтимолликни  $p_i = \frac{n_i}{N}$  билан ва ҳудди мана шундай катталикларни назорат гуруҳлари учун эса мос ҳолда  $y_j$ ,  $m_j$  ва  $q_j = \frac{m_j}{M}$  билан белгилаб оламиз. Шунингдек аъло даражани 5 балл, яхши даражани 4 балл, қониқарли даражани 3 балл ва қониқарсиз даражани 2 балл билан белгилаймиз.

Натижада биз қиёсий таҳлил учун қуйидаги иккита статистик қаторларга эга бўламиз:

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} x_i : 3, & 4, & 5 \\ n_i : 29, & 73, & 23 \\ p_i : 0,23; & 0,59; & 0,18 \end{cases} \quad N = \sum_{i=1}^x n_i = 29+73+23=125$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари

$$\begin{cases} y_j : 2, & 3, & 4, & 5 \\ m_j : 5, & 63, & 45, & 12 \\ q_j : 0,04; & 0,50; & 0,36; & 0,1 \end{cases} \quad M = \sum_{j=1}^3 m_j = 5+63+45+12= 125$$

Тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш 3,95, назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш 3,51 га тенг. Бу эса назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан  $\frac{3,95}{3,51} = 1,12$  баробар ортиқлигини англатади. Олинган натижа кўрсаткичлари (миқдор ва сифат) бўйича тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканидан далолат.

Тадқиқотнинг тажриба-синов натижаларини “SPSS” дастурида Стъудент тақсимоти бўйича текшириб кўрамиз (1-жадвал).

**Тажриба-синов натижаларининг “SPSS” дастурида Стьюдент  
тақсимоти бўйича статистикаси**

Жуфт намуналар статистикаси (Paired Samples Statistics)

	Mean (ўртача ўзлаштириш қиймати)	N	Std. Deviation (четлашиш)	Std. Error Mean (ўрт.хатолик)
Pair 1 V1	3,5120	125	,72530	,06487
V2	3,9520	125	,64578	,05776

Жуфт намуналар корреляцияси (Paired Samples Correlations)

	N	Correlation (корреляция)	Sig.
Pair 1 V1 & V2	125	,742	,000

Агар Sig нинг қиймати 0,01 га тенг ёки ундан кам бўлса,  $p \leq 0.01^{**}$  сифатида қайд этилган ишончли фарқлар мавжудлиги ҳақида хулоса чиқарилади, яъни хатолик 0%ни ташкил этади.

Тажриба шуни кўрсатдики, яратилган ўқув жараниёнига мослашувчи Web тизим ёрдамида ўқув жараёнини ташкил этиш талабаларнинг ижодий қобилияти ва ижодий фикрлашини ўстирди, билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлади, талабаларда фанга бўлган қизиқишини оширди.

Мазкур натижалар ўқув жараниёнига мослашувчи Web тизим ёрдамида ўқитиш бўйича олиб борилган тадқиқот фарзани тўлиқ тасдиқлади. Бунга тажриба-синов ишлари натижаларига математик-статистик қайта ишлаш, репрезентативликни таъминлаш, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиш қонунига риоя қилиш орқали эришилди.

## ХУЛОСА

“Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратиш” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олий таълим тизимининг мавжуд педагогик функцияларини ўз ичига олган, интеграцияланган ахборот-таълим таъминотини амалга оширишга қаратилган замонавий Web технологияларга асосланган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Мазкур тизим талабаларнинг сифатли ахборот-таълим муҳитини амалга ошириш билан бир қаторда медиатаълим ресурсларини очиклигини таъминлайди ҳамда фанларнинг ўзаро алоқасини янги самарали босқичга олиб чиқади.

2. Web сервер, Web дастурлаш тиллари, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, статик ва динамик тизимлар имкониятлари, хорижий илмий адабиётлар таҳлили ҳамда ахборот коммуникация технологияларининг сўнги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган “Web дастурлаш” фани мазмуни замонавий ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш учун хизмат қилади.

3. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимларни яратишга қўйиладиган педагогик-психологик, дидактик, дизайн, техник ва фойдаланувчи талаблари,

режа-лойиҳа таркиби, тизимни яратиш босқичлари бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлган миллий дастурий маҳсулотларни яратишга хизмат қилади.

4. Талабанинг билим даражаси ва интеллектуал салоҳиятига асосланган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим педагогик лойиҳаси ва мослашиш модели асосида яратилган ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим асосини янги ахборот технологиялари ташкил қилиб, таълим олишга бўлган мотивацияни оширишга ёрдам беради, билим олишда бўшлиқ ҳосил бўлиш муаммосини ҳал этади, шунингдек, таълим олувчиларга эркинлик, муваффақият, юксалиш ва ўз имкониятларини юзага чиқариш имкониятини беради.

5. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим таркибида шахсий режа, ишчи дастур, фан материаллари, назорат топшириқлари ва электрон журнални шакллантириш учун профессор-ўқитувчи интерфейси ишлаб чиқилди. Мазкур қисм талабаларнинг ўқув жараёнинини дифференциаллаштирилган ҳолда ташкил этиш, ўқитувчига хилма-хилликлар ҳисобига ўқитувчининг педагогик меҳнат мотивациясини ошириш, шунингдек, жараён, метод танлашда ўз вақтини тақсимлай олиш ҳамда ўз меҳнати натижаси ҳақида доимий равишда хабардор бўлиш имкониятини беради.

6. “Web дастурлаш” фанининг такомиллашган мазмуни асосида электрон ахборот-таълим ресурслари ишлаб чиқилди ҳамда “Web технологиялари” номли ўқув қўлланма чоп этилди. Мазкур ўқув адабиётидан олий таълим муассасаларида “Web дастурлаш” ва “Web дизайн” фанларини ўқитишда асосий адабиёт сифатида фойдаланилмоқда.

7. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан фойдаланиб “Web дастурлаш” фанини ўқитишнинг “Blended learning” технологиясига асосланган методикаси ишлаб чиқилди, Web дастурчи кадрларни тайёрлаш амалиётига жорий этилди. Натижада талабаларнинг ўртача ўзлаштириш катталиги 1,12 баробарга ошди.

8. Ўқув жараёнига мослашувчи Web тизимдан нафақат “Web дастурлаш” фани машғулотларини, балки ўқув режада тасдиқланган бошқа фанлар машғулотларини ташкил этишда ҳам фойдаланиш ҳамда ўқув жараёнига мослашувчи Web тизим билан ишлаш бўйича кўрсатмалар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази ўқув курсларида берилиши мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ГОЛОВНОЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЦЕНТР  
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ**

**ФАЙЗИЕВА МАХБУБАХОН РАХИМЖАНОВНА**

**СОЗДАНИЕ АДАПТИРУЕМЫХ К  
УЧЕБНОМУ ПРОЦЕССУ WEB - СИСТЕМ**

**13.00.06 – Теория и методика электронного образования**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора философии(PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 2017.PhD/Ped99.**

Диссертация выполнена в Головном научно-методическом центре при Министерстве высшего и среднего специального образования.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на Web-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и информационно-образовательном портале «ZIYONET» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель:** **Арипов Мерсаид**  
доктор физико-математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Тайлаков Норбек Исакулович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Эргашов Мухаммадрасул**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_ часов на заседании Специализированного совета DSc.27.06.2017.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). Адрес: адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2017 года).

**Ш.С. Шарипов**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, д.п.н., профессор

**Р.Г.Исянов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, к.п.н., доцент

**Б.С.Абдуллаева**

Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученой степени доктора  
наук, д.п.н. профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** “Образование - основная движущая сила прогресса и важная деятельность, ведущая к достижению целей стабильного развития”<sup>2</sup> - такое определение даёт новая концепция образования до 2030 года, принятая международными организациями и развитыми странами мира. Для предоставления качественного образования, улучшения получения образования и совершенствования методов оценки результатов усвоения эффективно используются виртуальные образовательные технологии, открытые образовательные ресурсы, массовые открытые онлайн курсы, мобильные образовательные технологии, системы управления образованием, электронное образование и его классические модели. Гарвардский университет и Массачусетский институт технологий США в сотрудничестве создали открытые онлайн курсы, позволяющие получать интерактивное образование через интернет. В Германии разработаны адаптируемые к обучению системы, предоставляющие соответствующие курсы посредством определения уровня интеллекта человека. Подобные электронные образовательные системы имеют важное место в подготовке опытных, квалифицированных и современных специалистов.

В нашей стране, уверенно идущей по пути независимого развития, осуществляются масштабные работы по реформированию системы непрерывного образования внедрению информационных технологий и повышению эффективности образования, на основе комплексной программы развития информационно-коммуникационной системы, налажено дистанционное обучение и проведение компьютеризированных конференций, созданы системы дистанционного обучения и внедрены в учебно-воспитательный процесс. Вместе с тем, возникла необходимость расширения масштабов использования Web - технологий в учебном процессе. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена задача по организации применения информационных технологий в высших образовательных учреждениях на основе новых методов, в связи с этим особое значение обретает создание и совершенствование методических основ Web - систем, адаптируемых к учебному процессу.

Большое количество проводимых в мире исследований связаны с проблемами разработки моделей адаптации, создания адаптируемых роботов и адаптируемых систем, применительных лишь к одной учебной дисциплине. Вместе с тем, одним из значимых вопросов является разработка педагогического проекта Web системы, направленной на формирование интегрированной информационно-образовательной среды, и программного обеспечения Web системы, основанной на Web технологиях обмена информацией в современном процессе глобализации, построенной на основе динамических страниц. Этим обосновывается необходимость разработки

---

<sup>2</sup> Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –p.6-7. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

структуры и содержания Web системы, учитывающей методологию создания Web системы и реализующей дифференцированное обучение с учетом уровня знаний студента.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлениях №ПП-1942 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки кадров в сфере информационно-коммуникационных технологии» от 26 марта 2013 года, №ПП-1989 «О мерах по дальнейшему развитию национальной системы информационно-коммуникационных технологий Республики Узбекистан» от 27 июня 2013 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике “IV. Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий”.

**Степень изученности проблемы.** Труды первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан, разработанная под руководством главы нашего государства Шавката Мирзиёева, послужили методологической основой данного исследования.

В работах таких исследователей нашей республики, как А.А.Абдукодиров, М.М.Арипов, А.И.Аширова, У.Ш.Бегимкулов, Р.Р.Бокиев, Ф.М. Закирова, М.Х.Лутфиллаев, М.М.Мамаражабов, Н.А.Муслимов, Л.М.Набиулина, Н.И.Тайлаков, С.К.Турсунов, Ш.С.Шарипов, У.Ю.Юлдашев, С.С. Гуломов, А.Г.Хайитов и др. обращается особое внимание педагогическим условиям внедрения информационно-коммуникационных технологий в образование и повышению его эффективности, развитию электронного образования, возможностям создания и применения электронных информационных ресурсов и программных оболочек, ресурсным и гибридным, экспертно-обучающим системам, интеллектуальным системам, а также научно обосновываются методы и средства организации использования компьютеров в профессиональной подготовке учителей, понятия и проблемы информатизации образования, создания единого информационного пространства дистанционного обучения.

